

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссиясида жисмоний ва юридик шахсларнинг
таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишнинг
АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК)да жисмоний ва юридик шахсларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишнинг асосий қоидалари” Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ва “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. ОАКда жисмоний ва юридик шахсларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ва “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

3. ОАКда мурожаатлар (ариза, таклиф ва шикоят) қуйидаги принциплар асосида кўриб чиқилади: қонунийлик; мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш; мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши; мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги; мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

4. Мурожаатлар тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шаклларда ОАКда қабул қилинади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатланади.

5. ОАКга келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда, кейинги иш куни ҳисобидан рўйхатдан ўтказилади. Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Мурожаатни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. ОАКга келиб тушган мурожаатлар бир нечта таркибий бўлинмаларга тааллуқли масалалар бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижрочилар этиб белгиланади. Ижрочилар ўртасида биринчи кўрсатилган таркибий бўлинма (масъул шахс) мурожаатнинг кўриб чиқилишини бошқа таркибий бўлинмалар (бошқа масъул шахслар) билан биргаликда таъминлайди.

7. Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун кўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, ОАК мурожаат этувчидан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳамда илмий даражалар берувчи илмий кенгашлардан кўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

8. Қўйилган масалани ҳал этиш ОАКнинг ваколати доирасига кирмаган тақдирда мазкур мурожаат беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

9. ОАКга келиб тушган мурожаатларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш хати билан қайтарилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда ОАК мурожаат этувчини тегишли тартибда хабардор қилади.

10. ОАКга оғзаки равишда мурожаат қилганлар Ишчи гуруҳида қабул қилинади.

11. Мурожаатларга жавоблар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. ОАКга келиб тушган мурожаатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

ариза ёки шикоят келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, кўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, кўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда;

ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, кўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади;

апелляциялар бўйича мурожаатларни кўриб чиқишда «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом» ва «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» талаблари эътиборга олинади.

таклиф келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, кўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

13. Мурожаатлар қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди: аноним мурожаатлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд

бўлмаган тақдирда; қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муурожаатлар.

Муурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади ва тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли муурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида муурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

14. Муурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Муурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда ОАК ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун хужжатлари асосида амалга оширилади.

16. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари соҳасидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари бўйича ҳисобот юритилади.